*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**27 июль**
ШАНБА
**№ 60** (12592)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

**Вилоят ҳаёти**

### КОРХОНА КЕНГАЙДИ

**Зангиота туманидаги Қатортол қишлоғида елим идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ўз фаолиятини кенгайтиргач, яна қўшимча 20 та иш ўринлари яратилди.**

Бу ерда қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Ишчилар учун барча шарт-шароитлар етарли.

**Зилола АЛИЕВА.**

### БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА

**Оҳангарон туманидаги Увак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида "Ангрен қурувчи инвест" МЧЖ қурувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан янги қишлоқ врачлик пункти бунёд этилди.**

Қурилиш ишлари учун 432 миллион сўм сарфланган ушбу янги бино 50 та беморга мўлжалланган бўлиб, унда барча замонавий диагностика текширувларини амалга ошириш учун имкониятлар етарли.

Истиқлолнинг 22 йиллик байрами олдидан қуриб битказилган замонавий қишлоқ врачлик пункти увакликларга муносиб туҳфа бўлди.

* * *

**Тумандаги Сусам қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Илғор" маҳалласида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган Ашурбой Ғаниев ташаббуси билан "Бахт" тантаналар уйи ишга туширилди.**

500 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган бу шинам кошонада қишлоқ ёшларининг 30 нафари ишли бўлишди. Айни кунда тантаналар уйини кенгайтириш мақсадида қўшимча қурилиш ишларини олиб борилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

### УЛАР ИШЛИ БЎЛДИЛАР

**Қуйи Чирчиқ туманидаги Қурилиш ва уй жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман прокуратураси ва Ички ишлар бўлими ҳамкорлигида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**

Унда тумандаги 20 та корхона ва ташкилот 85 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Иштирок этган 92 нафар фуқародан 67 нафари ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди. Иш излаётган бошқа иштирокчиларга зарур маслаҳатлар берилди.

Ярмаркада ишга йўлланма олганларнинг 40 нафари олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари бўлди.

**Шаҳло ФАЗЛИЕВА.**

**Вилоят ҳаёти**

Иқтисодиёт

**Пискентликлар аграр соҳадаги бор салоҳиятини ишга солиб қаторасига икки йил давлатимиз раҳбарининг эътиборига тушди. Хусусан, Юртбошимиз мамлакатимиз ғаллакорларига йўллаган бу йилги табрикларида ҳам бошқаларга ўрнак ва намуна бўлган республиканинг айрим туманлари қатори вилоятимизнинг Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманларида ҳосилдорлик ўртача 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этдилар. Муваффақиятдан руҳланган деҳқонлар бошқа жабҳалар ривожига ҳам зўр беришяпти. Айниқса, "2013 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"га мувофиқ туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги кичик бизнес тармоқларини ишга тушириш ҳамда уларга қулай шароит яратиш борасида қилинаётган ишлар диққатга сазовор.**

## «AZALEA GARMENT» МАҲСУЛОТЛАРИ



Жорий йил бошидан шу кунгача, жами 173 та кичик бизнес тармоқлари ишга тушди. Натижада, иқтисоднинг муҳим қатламлари – хизмат кўрсатиш ва сервис, саноат, қишлоқ хўжалигида 3623 нафар киши ишли бўлди. Эътиборлиси, энг кўп иш ўринлари кичик корхоналар ҳисобига яратилди – 618 та. Бу эса мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш борасида дастурлар ишланиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани яхши самара бераётганидан дарак.

Буни тумандаги Гулшан кўчасида жойлашган аввалги каноп фирмаси ўрнида яқинда фаолиятини бошлаган "AZALEA GARMENT" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Эркак, аёл ва болалар учун барча турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага хорижнинг "Taekwang", "Fiblon", "Sunbird", "Juki" каби кўплаб фирмаларидан маҳсулот тайёрлаш жараёнида асқотадиган сўнгги русумдаги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Шу ва бошқа ташкилий ишлар учун 700 минг АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланди. Ўзбекистон ҳамда Россия ҳамкорлигида ташкил этилган корхонада 320 нафар ишчи 14 ёшгача бўлган болалар кийимини тикишяпти.

– Маҳсулотлар қадоқлангунча лойиҳалаш, бичиш, тикиш ва дазмоллаш каби босқичларни босиб ўтади, – дейди тикувчи уста Гулноза Ҳусаинова. – Бир кунда бир ярим мингдан зиёд футболкалар тикяпмиз. Бунда дастгоҳларнинг замонавийлиги, компьютерлаштирилгани қўл келяпти.

Иқтисод, айниқса, енгил саноатда рақобатда ютиш, ички ва ташқи бозорни эгаллашда, сифат, нарх, муддат уйғунлигини таъминлаш муҳим саналади.

– Бозорнинг асосий шарти ҳам шу аслида, – дейди корхона раҳбари Зоҳиджон Нажмиддинов. – Биласизми, техникаларимиз катта қувватда ишлайди. Республикада ички бозорларимизни текстиль товарлари билан таъминлайдиган микрофирмалар кўп. Биз маҳсулотларимизни асосан МДҲ давлатларига экспорт қиламиз. Дунё бозори кутиш нималигини билмайди. Талабларини вақтида қондирмасангиз бас, сиз билан тузган шартномаларини бекор қилишади. Кўпчилик енгил саноат корхоналари таназзулга учрашининг сабаби ҳамкорларининг талабларини вақтида қондиролмаслигида. Биз шу ва бошқа муаммоларни ҳал этиш қолаверса, маблағ айланмасини бирдек ушлаш учун "Алоқа банк"дан қўшимча 600 миллион сўм кредит ҳам олдик. Мақсад: ташқи бозорда мустаҳкам ўрнимизга эга бўлиш.

"AZALEA GARMENT" тайёрлаган маҳсулотларининг дастлабкисини шу ойнинг охирида "Gee Jay" бренди ва "Сделано в Узбекистане" белгиси билан Россияга сотишни, кейинчалик йилига 800 миллиондан 1 миллиардгача соф даромад кўришни режалаштиряпти. Бунинг учун аввалдан икки томонлама шартномалар тузиб бўлинган.

Жамият директори ҳозирча шахсий бренди йўқлигини, "Gee Jay" бўлса, мижозлар сўраган бренд эканлигини, дунё бозорига кириб бўлгач, ўз рамзига эга бўлишни ҳамда корхона тасарруфида қўшимча цехларни ишга туширишни ният қилишганини таъкидлади.

– 10 та чизиққа кетмакет ўрнатилган дастгоҳларнинг икки қатори ишламаяпти, – дейди раҳбар. – Бунинг учун бизга бичувчи, тикувчи, дазмолловчи, қадоқловчи, электрик, механик мутахассислигига эга бўлган яна 100 нафар ишчи керак. Шунда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади.

– Туманимиздаги Агросаноат коллежини бу йил битирдим. Тикувчилик мутахассислиги бўйича диплом қўлимга тегиши билан бу ерга ишга кирдим, – дейди Мафтуна Толипова. – Ўқишда ўзлаштирган билимларим бугунги ишимда қўл келяпти. Қувонарлиси, бу ердагиларнинг кўпчилиги тенгдошларим экан. Улар билан тезда дўстлашиб кетдим.

Дарвоқе, корхонада 5 та "ISUZU" автобуси ишчилар хизматида, моҳир ошпазларнинг мазали таомлари эса ҳар куни тушлик дастурхонига тортиляпти.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Бу ҳақда вилоят фаоллар йиғилишида гапирилган эди

**Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотлар, ҳар бир соҳада эришилаётган муваффақиятларда албатта, вилоятимизнинг ҳам ўзига хос ўрни ва мавқеи бор.**

**Буни муҳтарам Юртбошимиз шу йил 1 апрелда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаб, шу билан бирга ҳали имкониятлардан тўла фойдаланилмаётган ҳолатлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратдилар. Шунга асосан, тегишли вазирлик ва ташкилотларга топшириқлар берилди. Тузилган махсус ишчи комиссия уч ой давомида ҳар бир соҳанинг жойлардаги аҳволини обдон ўрганди ва тармоқлар бўйича дастурлар ишлаб чиқди.**

**Пойтахт вилоятининг ҳақиқий салоҳиятини намойиш этиш, шунингдек, бу ердаги йирик тармоқларни комплекс ривожлантириш мақсадида тайёрланган дастлабки дастур бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.**

**Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Анвар Абдуқодиров билан суҳбатимиз ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, ундан кўзланган асосий мақсад ва кутилаётган натижалар хусусида бўлди.**

## МАҚСАД – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

**– Даставвал Юртбошимизнинг мазкур қарорлари ва ундан кўзланган мақсад ҳақида қисқача тўхталсангиз.**

– Очиғини айтиш керак, Тошкент вилояти тарихида бундай кўламли дастур ҳали ишлаб чиқилмаган ва амалга оширилмаганди.

Юртбошимиз тасдиқлаган дастурга мувофиқ 2015 йилга қадар вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 триллион 825 миллиард сўмга етади. Бу ўсиш суръати 124,3 фоиз деганидир.

Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад вилоят аҳлининг фаровонлигини янада ошириш, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, бунинг учун эса янги иш ўринларини ташкил этишдир.

**– Дастурда асосан нималарга эътибор қаратилган?**

– Муҳтарам Юртбошимиз фармойиши билан тасдиқланган Республика ишчи комиссияси мазкур дастурни 3 ой мобайнида ишлаб чиқди. Мазкур жараён давомида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида тадбиркорлар билан кўплаб учрашувлар ўтказилди. Ана шу мулоқотларда тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлиги, шунингдек, вилоятнинг саноат салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи барча омиллар ҳисобга олинди. Ишчи комиссиянинг хулоса ва таклифлари ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Унда вилоятдаги ишлаб чиқариш салоҳияти ва маълум ресурслардан комплекс ва самарали фойдаланиш, саноатда барқарор ўсишни таъминлаш мақсадида юқори қўшимча қиймат ҳосил қилувчи, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли саноатни ташкил этиш юзасидан қулай имкониятларни шакллантириш, вилоятда нисбатан саноат кам ривожланган Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Пискент ва Оққўрғон туманларида ишлаб чиқаришни тезкор ривожлантириш белгиланиб, фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган мавжуд саноат корхоналарини соғломлаштириш ёки фаолият турини ўзгартириш ҳисобига тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

**Вилоят ҳокимлигида ўтказилган "Тошкент вилоятида меҳнат мигрантларини рўйхатга олиш механизми бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги йиғилишда ташқи меҳнат миграция жараёнларини назоратга олиб бориш мақсадида доимий фаолият юритувчи вилоят ишчи гуруҳи ташкил этилди.**

## ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ ИШЛАЙ БОШЛАДИ

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишилган ҳолда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ҳамда унинг жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича мониторинг маркази ташкил этилди.

Вилоятда ташкил этилган мониторинг маркази фаолияти чет давлатларга кетаётган шахсларнинг ягона ҳисобини юритиш, сабабларини ўрганиш, қайтиб келган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш бўйича вазифаларни амалга оширишдан иборат. Бу борада меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ҳамда унинг жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида алоҳида махсус ҳона ажратилиб, жиҳозлар билан таъминланди ва масъул ходимлар бириктирилди ҳамда 250-46-98 рақамли махсус ишонч телефони ташкил этилди.

**Акром МАҲМУДОВ.**

Истеъмолчи

## ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Янгийўл тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига тумандаги Бобур номли маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 26-мактаб ота-оналар қўмитасидан маҳалла ҳудудидан Янгийўл шаҳрига қатновчи "Автомобилчи-Собиржон" масъулияти чекланган жамиятига қарашли "Дамас" русумли автоуловларда фуқароларни ташиш нархи бир мунча баландлиги, яъни 2000 сўмни ташкил этиши ва бу нарх фуқароларга, айниқса, коллеж ўқувчиларига ўқишга қатнаши учун оғирлик қилаётганлиги юзасидан ёзма мурожаат тушди. Ушбу масала масъулияти чекланган жамият раҳбарлари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилиб, йўлкира нархи тендерда таклиф қилинган миқдорга туширилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси ва шаҳар, туман жамиятлари томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, билан боғлиқ бундай кўплаб масалалар Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа ҳужжатлар асосида ўрганилиб, ижобий ҳал этиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари



## ҒАЛЛАСИ БЎЛИҚ, ТАРВУЗИ МЎЛ

**Янгийўллик деҳқонлар соҳада ўзига хос тажриба тўплаганликлари боис, ҳар йили буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлатга сотиш режасини ортиғи билан бажаришади. Жорий йил ҳам бундан мустасно эмас. Ғалладан мўл ҳосил кўтарган деҳқонлар ҳозир мева-сабзавот ва полиз экинларини зўр бериб парваришлаяптилар.**

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** фермер Фозилбой Рихсибоев ҳосил салмоғидан мамнун.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ЮЗ ЁРУҒЛИККА НЕ ЕТСИН

– Сувчилар, ғўзани яхшилаб суғоринглар.

– Чопиқчилар, далада "Мендан кетгунча, эгасига етгунча" деган гап кетмайди.

– Рустам, одамларга ажратилган буғдойнинг ҳаммаси уй-уйларига етказилсин.

Содиқжон Исабоев ҳар куни ишчиларига шу гапларни тайинлашдан чарчамайди. У ўзига ҳам, қўл остида меҳнат қилаётганларга ҳам талабчан. Пулни ҳалоллаб олиш керак, дейди. Бекобод туманидаги "Содиқ" фермер хўжалиги раҳбари ана шундай хислатларга эга одам. Унинг яхши инсонлиги юз-кўзидан билиниб туради. Ўзини эмас, биринчи навбатда хўжаликдагиларнинг манфаатини кўзлагани учун ҳамма уни ҳурмат қилади, алқайди. Маҳалла қариялари эса тани-жони соғ бўлишини тилаб, қўллари дуода.

Мана, 17 йилдирки, фермер ўз даласидан бери келмайди. Уй-дала, дала-уй – унинг кунда бориб келадиган йўналиши. Ишга кўмилганидан тоғу тошларга, боғу роғларга бориб дам олишни хаёлига келтирмайди. Топганини далага қадаса, ундирганини давлатга топширади. Ортгани ишчилар билан ўртада. 30 нафарга яқин комбайнчи, тракторчи, миробу чопиқчи хўжаликнинг 60 гектар майдонида меҳнат қилиб кам бўлишмаяпти. Улар кечагина 28 гектар ерга экилган "Ясовул" навли буғдой бошоқларининг шовуллашини эшитиб, кайфиятлари кўтарилиб юрганди. Бугун эса, режа бажарилиб, уларнинг меҳнат чарчоқлари янада ариди.

(Давоми 2-бетда).

Бу ҳақда вилоят фаоллар йиғилишида гапирилган эди

# МАҚСАД – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ангрен" махсус индустриал зонасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига барча тармоқларда, хусусан, машинасозлик, металлургия, қурилиш материаллари, электр техника, кимё ва нефть-кимё соҳасида янги қувватларни ташкил этиш, мавжуд саноат корхоналарини модернизациялаш ва кенгайтириш мақсадида инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, рақобатбардош бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини, жумладан, текстиль, тикув, трикотаж, чарм, пойабзал ва фармацевтика маҳсулотларини кенг ассортиментда ишлаб чиқариш белгиланган. Бунинг ҳисобига саноат маҳсулотларидаги тайёр маҳсулотлар улушини кўпайтириш, оммавий савдоларда танлов асосида "ноль" қийматда сотилиши, шунингдек, белгиланган тартибда бузилиши мўлжалланган давлат тасарруфидаги бўш турган ва фойдаланилаётган объектлар бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

– **Дастурда белгиланган чора-тадбирлар тўла амалга оширилса қандай натижаларга эришилади?**

– Биринчидан, вилоят саноатида 2,2 миллиард доллар миқдорида инвестициялар, шу жумладан, 602 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий сармоялар жалб этиш ҳисобига 302 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Шу ҳисобдан 11 мингдан ошиқ янги иш ўринлари яратилади.

Жумладан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида 205 миллион доллар миқдорида инвестициялар, шундан, 56 миллион доллар хорижий маблағлар тўғридан-тўғри жалб қилиниб, 146 та лойиҳа амалга оширилади ва 7254 та янги иш ўринлари яратилади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида эса 74 миллион долларлик инвестициялар, жумладан, 31 миллион доллар хорижий маблағлар тўғридан-тўғри жалб этилиши ҳисобига 108 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Натижада 2571 та янги иш ўринлари очилади.

Саноат техникавий йўналишида 1 миллиард 952 миллион долларлик инвестициядан 532 миллион доллар маблағ тўғридан-тўғри кириб келиши ҳисобига 47 та лойиҳа амалга оширилади ва 1215 та янги иш ўринлари барпо этилади.

Иккинчидан, 36 та фаолият юритмаётган, паст рентабелли саноат корхоналари ва бўш турган бинолар фаолиятини қайта тиклаш орқали 915 та янги иш ўринлари яратилади. Бу мақсад учун вилоят иқтисодиётига 18,8 миллион долларлик инвестициялар киритилади.

Учинчидан, 94 та бўш турган ва фойдаланилмаётган, давлат тасарруфидаги объектларни оммавий савдоларда "ноль" қийматида сотиш, шунингдек 28 та объектни белгиланган тартибда бузиш ҳисобига юқори технологияли ва энергияни тежовчи замонавий дастгоҳларга эга бўлган саноат корхоналари ташкил этилади.

Ушбу дастурнинг амалга оширилиши натижасида Тошкент вилоятининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 2012 йилга нисбатан 124 фоизга ўсади. Шунингдек, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари 144 фоизга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 139 фоизга, саноат-техникавий йўналишдаги корхоналар маҳсулоти 149 фоизга ўсиши таъминланади.

– **"Ангрен" махсус индустриал зонасида бу борада қандай ишлар амалга оширилади?**

– Вилоятнинг бу шаҳри яқин йиллар ичида ривожланган шаҳарлар қаторига қўшилиши кутилмоқда. Бунинг учун албатта, Юртбошимизнинг "Ангрен" махсус индустриал зонасини ташкил этиш ҳақидаги фармонларидан келиб чиқиб махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Юқоридаги дастурга ҳамоҳанг тарзда бу борада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Ангрен" махсус индустриал зонасида лойиҳа қиймати 155,3 миллион долларга тенг бўлган 8 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Натижада мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

– **Дастур доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар асосан саноат қисман ривожланган ҳудудлар учун мўлжалланганми?**

– Амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларини нафақат саноат марказлари, балки ишлаб чиқариш кам ривожланган тоғли чекка қишлоқ туманлари ҳисобланган Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Пискент, Оққўрғон, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида амалга оширишга алоҳида эътибор берилган.

– **Шу ўринда амалга ошириладиган аниқ лойиҳаларга тўхталсангиз.**

– Масалан, Бўстонлиқ туманида "Бўстонлиқ Пластекс" корхонаси негизида лойиҳа қиймати 14,5 миллион долларга тенг, йилига 7 минг тонна ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхонани ишга тушириш натижасида 350 та янги иш ўринлари яратилади. Лойиҳани амалга ошириш учун ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 10 миллион доллар кредит маблағлари ва корхонанинг 4,5 миллион доллар ўз маблағи жалб этилади.

Шунингдек, Пискент туманидаги "Тоҳиржон қурилиш савдо" корхонаси негизида лойиҳа қиймати 1,2 миллион долларга тенг бўлган, йилига 2 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий корхонани ишга тушириш белгиланган. Ушбу мақсад учун "Алоқа банк"нинг 450 минг доллар кредит маблағлари, корхонанинг 300 минг доллар ўз маблағи ҳамда 450 минг доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш кўзда тутилган. Натижада 420 та янги иш ўринлари яратилади.

Бундан ташқари, Юқори Чирчиқ туманидаги "ТТГ" хорижий корхонаси негизида лойиҳа қиймати 40 миллион долларга тенг бўлган ва йилига 7,5 миллион квадрат метр мато ва 5 миллион дона тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий корхонани ишга тушириш белгиланган бўлиб, бунинг натижасида 200 та янги иш ўринлари яратилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу корхонани ишга тушириш 40 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Ёки бўлмаса Ўрта Чирчиқ туманидаги "Тўйтепа металл қурилмалари" корхонасини олиб кўринг. Корхона негизида лойиҳа қиймати 4,2 миллион долларга тенг, йилига 5 минг тонна металл конструкциялари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ишга туширилади. Қўшимча 250 та янги иш ўринлари вужудга келади. Оҳангарон туманидаги "TIAT Ceramic" хорижий шўъба корхонаси негизида лойиҳа қиймати 17,6 миллион долларга тенг, йилига 510 минг дона санитар-керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхона 100 фоиз хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига ишга туширилади ва 300 та янги иш ўринлари яратилади.

Яна бир мисол: Ангрен шаҳрида 35,5 миллион долларга тенг, йилига 8 минг тонна ҳар хил мис трубалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий корхона ишга туширилиши муносабати билан 183 та янги иш ўринлари яратилади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг 10,3 миллион доллари Олмалиқ кон металлургия комбинати ҳамда 25 миллион доллари Ипотекабанкнинг кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бундай лойиҳалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Уларни амалга оширишда вилоятдаги ҳар бир катта-кичик раҳбардан катта масъулият талаб этилади.

Ҳар биримиз энг аввало жонажон Ўзбекистонимиз, қолаверса, вилоятимиз тараққиётига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишдек эзгу мақсад билан яшасак, ишласаккина, ҳар тарафлама Тошкент вилоятининг салоҳиятини, халқини нималарга қодирлигини кўрсата оламиз.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Равшан ЁҚУБЖОНОВ суҳбатлашди.**

**Вилоят маънавият тарғибот маркази шаҳар ва туманларимизда "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил, Ўзбекистон!" мавзусида ўтказаётган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар аҳолига манзур бўлмоқда.**



# БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, ЖОН ВАТАН!

Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай учрашувда тарихчи олим Бобир Аминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Муножот Тешабоева, Тошпўлат Маткаримов, эстрада хонандалари Муслима Алиева, Моҳира Камолова, шоир Ботир Эргашевлар иштирок этди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг шонли 22 йиллик тараққиёт йўли ҳақидаги қизиқарли маъруза, Ватанни мадҳ этувчи гўзал шеърият, дилтортар куй-қўшиқлар бекободликларга кўтаринкилик, байрамона кайфият бағишлади. Кексаю ёш қалбида Ватанга садоқат, эл-юртга муҳаббат, истиқлол неъматларига шукроналик туйғуларини шакллантираётган бундай кўнгилли учрашувлар Бекобод, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ туманларида ҳам бўлиб ўтди.



**Саида РАҲМОНОВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Истеъмолчи

# ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Хусусан, жорий йилнинг 6 ойида вилоят бирлашмаси ва ҳудудлардаги жамиятларга келиб тушган 235 дан ортиқ хат, ариза ва мурожаатларнинг 208 таси ижобий ҳал этилди. Бешта ҳолат бўйича ҳужжатлар тегишли давлат органларига кўриб чиқиш ва чора кўриш учун юборилди. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг мурожаатлари бўйича 37 миллион 139,5 минг сўмликдан ортиқ моддий ва маънавий зарар улар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

– Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширишдан асосий мақсад истеъмолчиларнинг алданиб қолмасликлари ва ҳуқуқлари суиистеъмол бўлмаслигига эришишдан иборат, – дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Хайрулла Ҳожи-Абдуллаев. – Шунинг учун асосий эътиборни биринчи навбатда жойларда юқоридаги қонунларга амал қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш масалаларига қаратмоқдамиз. Шу мақсадда бирлашмамиз ташаббуси билан оммавий ахборот воситаларида "Истеъмолчи бурчаги" рукни ташкил этилиб, нафақат тарғибот-ташвиқот ишлари, балки истеъмолчилар ариза ва мурожаатларининг жавоблари ҳам эълон қилиб борилмоқда. 2013 йилнинг 6 ойи давомида республика, вилоят, туман, шаҳар босма матбуот нашрларида, радио ва телевидениеда чиқишлар қилинди. Мутахассисларимиз томонидан бевосита шаҳар, туман, корхона, ташкилот ва маҳаллаларда 150 дан ортиқ турли мавзуларда 141 дан ортиқ ўқув-семинарлари, учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундай учрашувларда истеъмолчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, барча шаҳар ва туманларда ишонч телефонлари ташкил этилган бўлиб, улар орқали истеъмолчилар истаган пайтда ходимларимиз билан боғланиб, ўзларини қийнаётган масала ва муаммо юзасидан керакли маслаҳат олишлари ёки йўл қўйилаётган суиистеъмолликлар юзасидан маълумот беришлари мумкин. Ишонч телефонлари аҳоли фаоллигининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Булардан ташқари, биз истеъмолчиларга кўпроқ ахборот бериш ва ҳуқуқий билимларини ошириб боришга ҳам ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳудудий бирлашма ва туман-шаҳар жамиятлари қошида ташкил этилган "Ҳуқуқий маслаҳат марказ"лари орқали истеъмолчилар нафақат соҳага оид, балки республикамизда қабул қилинаётган янги қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар юзасидан маълумот олишлари мумкин. 2013 йилнинг ўтган даврида бу хизматдан 160 дан ортиқ истеъмолчи фойдаланиб, тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар олди.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб номланганлиги муносабати билан ҳудудий бирлашма томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни такомиллаштириб бориш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлими, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси, вилоят Касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Яна бир эътиборли томони, бундай саъй-ҳаракатлар фуқароларимизнинг истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларини тобора чуқурроқ тушуниб боришига хизмат қилмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Агар 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига аъзо бўлганлар сони 14761 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сафи 22 минг нафарга яқинлашиб қолди. Бошқача қилиб айтганда, 6 ойда бу рақам 7100 тага ошди. Шунингдек, жойлардаги Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч гуруҳлари 176 тага етди. Яъни йил бошидан буён 77 тага кўпайди.

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг талаб ва эҳтиёжи ҳам ўсиб боради. Бу эса истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, суиистеъмолликларга йўл қўймаслик, уларни ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш, энг муҳими бозорларимизга сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олишни янада такомиллаштириб боришни талаб этади. Ҳудудий бирлашма ана шундан келиб чиққан ҳолда фаолият кўламини янада кенгайтириб бормоқда. Зеро, истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини қанчалик чуқур билишса ва янада фаол бўлишса, бу саъй-ҳаракатлар ҳам шунчалик самарали бўлади.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Қишлоқ мулкдори



# ЮЗ ЁРУҒЛИККА НЕ ЕТСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Буғдой етиштириш бўйича давлат режаси 84 тонна эди, – дейди Содиқжон Исабоев. – Биз уни 98 тоннага чиқариб, ортиғи билан бажардик. Юзимиз ёруғ бўлганидан хурсандмиз. Қолаверса, яна қўшимча 98 тонна буғдой хўжалик омбори ва ишчиларимизнинг уйини тўлдирди.

Тракторчи ва комбайнчиларнинг ҳар бирига 3 тоннадан, сувчиларга 1,5 тоннадан буғдой тарқатилди. Энди уларнинг дастурхонидан иссиққина патир ва оби-нонларнинг кети узилмаяпти. Иссиққина нонни қаймоққа ботириб ейишнинг гашти бошқача-да. Меҳнатнинг нони ширин дейишгани шу бўлса керак.

Фермер бирон нарсадан норози бўлса ёки ишда камчилик чиқса, ишчиларни энг ёмон гапи – "Уйинг буғдойга тўлгур" деб уришиб қўяди. Аслида раҳбар сифатида кескин гапириши мумкин. Лекин дилозор бўлмай, кўнглини ўкситмай деб, ишни ширин сўз билан битиради. Бундай пайтларда раис далачидан, далачи раисдан хафа бўлмайди.

Содиқжон Исабоев мен бу ерда раҳбарман, деб шинамгина хонасидаги чарм ўриндиқда ўтириб олиб, буйруқ берадиганлардан эмас. У хўжаликдагилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилади. Бир қарасангиз, чопиқчилар орасида, гоҳида тракторчининг ёнига мингашиб олган бўлади. Ёшлар унинг ғайрати ичига сиғмаётганидан ҳайратда қолишади.

Хўжаликнинг 32 гектарига экилган пахта ғўзалари аллақачон 15 тадан 18 тагача кўсаклади. Бу йил гектардан 28 центнердан ҳосил кўтариш керак. Ғўзаларни кузата туриб, фермернинг хаёли узоқ-узоқларга қочди. Болалиги-ю ёшлиги қандай ўтгани, қандай қилиб фермер номига эришганини ўйлай кетди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтмади-я. Яхшиям, мактабдаги ўқитувчиларининг сўзини икки қилмаган экан. Ҳатто, дарслардан қочиш нималигини билмапти. Ўргангани илм, ўқигани китоб бўлди. Дарслардан кейин елкасига бўз матодан тикилган мактаб халтасини илиб олиб, далага югуришни канда қилмасди. Ерга уруғ қадаб, ундан осмонўпар хирмонларнинг уюлиши қизиқ туюларди. Унинг савол бераверишидан далачилар безор эди. Нега, қандай қилиб, қачон деган саволлар қишлоқ хўжалиги соҳасининг бўлажак мутахассисига тинчлик бермасди-да. Ана шу саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб олгани бугун фермер бўлишига замин яратди десак, ажаб эмас.

Омилкор фермер пахта даласини кузатгач, буғдойдан бўшаган майдон томонга ўтди. Шоввозлар-эй, далаларни буғдой сомонларидан тозалаб қўйишга улгуришибди. Энди ҳайдалиб, суғорилган 20 гектар ерга бемалол такрорий экинларни экиш мумкин. Картошка, сабзи, шолғом, турп, карам, мош, ловия ишчиларнинг рўзғорига барака киритади. Ортгани бозорга йўл олади.

– Ўғлим Рустамжон, ойингга айт, тушликни тезлаштирсин. Бўш қоп тик турармиди?! Масалliқларни аяшни ўйламасин. У ишчиларнинг ҳақи.

Хўжалик раҳбари ҳам ўғли, ҳам иш юритувчиси Рустам Исабоевни уйига зинғиллатди. Ҳали-замон иштаҳани қитиқлаб, тушлик келиб қолади.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТДА:** туман фермерлар уюшмаси раиси Бегали Абдусатторов (ўнгдан) фермерга керакли йўл-йўриқларни кўрсатмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ИШЧИЛАРИГА ИККИ ТОННАДАН ҒАЛЛА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Туман фермерлар кенгаши тақдим этган маълумотларга қараганда, бу йил белгиланган 21065 ўрнига 21133 тонна дон сотилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Уруғлик дон сотиш бўйича ишлар ҳам белгиланган тартибда олиб боряпти. Мавсум якунига қадар давлатга қўшимча яна 1000 тонна дон, 400 тонна уруғлик дон сотиш режалаштирилган. Фермер хўжаликларининг ўзида эса яна 20 минг тоннадан ортиқ дон қолиши кутилмоқда.

Бундай ижобий натижанинг қўлга киритилишида туман илғорларидан "Мирзаҳмат саховати", "Баракали Соҳибкор", "Меҳр Нур Файз" каби кўплаб фермер хўжаликларининг ҳиссаси катта.

Фозилбой Риҳсибоев ҳам ана шундай қишлоқ мулкдорларидан. У раҳбарлик қилаётган "Топил Қизи туймажон" фермер хўжалиги ҳам белгиланганидан 55 тонна ортиқ буғдой топширди. Фермер хўжалигининг 10 гектардан кўп ерида картошка, мош, пиёз, сабзи ва бошқа маҳсулотлар етиштирилмоқда.

– Даромад ҳам меҳнатга яраша бўляпти, – дейди Фозилбой. – Баҳорда қулупнай сотиб, 3 миллион соф фойда кўрдик. Мрамор навли тарвуздан шу кунгача 6 миллионлик сотдик. Пайкалимизда ҳали тарвуз кўп...

Фермер хўжалиги аъзолари, ишчилар ҳам меҳнат ҳам даромадга яраша рағбатлантирилмоқда.

– Бу йил баракали келди. Барча маҳсулотлар қатори ғалладан ҳам 80 миллион фойда олдик, – дейди фермер. – Хўжалигимизнинг доимий 14 ишчисига 2 тоннадан ғалла, қўшимчасига 100 боғдан сомон бердик.

**Беҳзод МАМАДАЛИЕВ.**

# ТАДБИРКОР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

**Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ташкил этилган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" ва "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор" танловларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни касбга йўналтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, бу борадаги қобилиятларини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти тамойилларини ўрганишлари ва ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишларига кўмаклашиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастурий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ташкилот томонидан ушбу вазифаларни бажариш мақсадида турли вазирлик, идора, банк ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Микрокредитбанк", "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкларининг вилоят бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ёшлар ўртасида ташкил этилган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" ва "Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор" танловлари ана шу йўналишдаги ишларнинг биридир.

Жорий йилнинг 11-12 июль кунлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ўқув услубий маркази" нодавлат таълим муассасасида танловларнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этган тадбирнинг биринчи кунида иштирокчилар 2 гуруҳга бўлинган ҳолда ўқув машғулотлари олиб борилди. Машғулотларда иштирокчиларга тадбиркорлик ҳақида, шунингдек, тадбиркорлик қобилиятига, шу соҳада янги ва самарали ғояга эга бўлган касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларига бизнес ғояларини ёзиш тартиблари ва бизнес турлари тўғрисида маълумот берилиб, ўқувчиларга келажакда ўз бизнесларини бошлашларида имкониятлар яратилиши ҳақида кенг тушунчалар бериб ўтилди. Банк ходимлари иштирокида суҳбат ва савол-жавоблар ташкил этилди.

Вилоят савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлашда фойдаланиладиган қонуний-меъёрий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Тадбирнинг иккинчи куни тадбиркорлик йўналишида ўз бизнес режасига эга бўлган иштирокчилар учун мутахассислар томонидан тадбиркорлик соҳалари (чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик, ишлаб чиқариш ва ҳоказо) махсус семинар-тренинглар ташкил қилинди. Ўқув-семинарлар якуни бўйича иштирокчилар вилоят ишчи гуруҳига ўз бизнес ғояларини тақдим этдилар.

Семинар-тренинг давомида ишчи гуруҳ томонидан 60 нафар битирувчининг бизнес лойиҳалари кўриб чиқилди ва уларнинг 6 нафарига танловнинг республика босқичига йўлланма берилди. Танловда ғолиб деб топилган 7 нафар иштирокчига ҳамда тижорат банкларининг кредит сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда банк талаблари асосида кўриб чиқиш ва молиялаштиришга тавсия этилди.

Хусусан, "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан танловнинг "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" йўналиши бўйича республика босқичига йўлланма олган 4 нафар иштирокчига 69,5 миллион сўм, яна 3 иштирокчига эса "Агробанк" ОАТБ томонидан 11,5 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, 7 нафар вилоят босқичи ғолибларига ўз бизнесларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун банкларнинг 103 миллион сўмдан ортиқ кредитлари ажратиладиган бўлди.

Танлов якунида ғолиб ва иштирокчилар диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Юлдуз ФАЗЛИДДИНОВА.**

## Қарор ва ижро

**Халқимизга хос озодалик, шукроналик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик каби юксак фазилатлар муборак Рамазон ойида янада ёрқин намоён бўлади.**

# МУБОРАК ОЙ ХОСИЯТИ

Тошкент вилоятида ҳам ушбу файзли ойда муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, эзгу анъаналаримизни янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 июлда қабул қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

– Вилоятимизда муқаддас Рамазон ойини тинч, осойишта, аҳиллик билан ўтказиш, беморлар ҳолидан хабар олиш, эҳтиёжманд кишиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Ҳожимурод Эрматов. – Рамазон ойини юксак савияда ўтказиш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилаётир. Яқинда ўтказилган ҳашар кунлари вилоятимиздаги қабристонлар, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Маҳаллалар фаоллари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида муборак ойни байрамона ўтказиш, ободонлаштириш ва хайрия тадбирларида аҳоли, айниқса, ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, миллатимизга хос дўстлик ва меҳр-оқибат туйғуларини улуғлашга қаратилган маърифий ишлар олиб борилмоқда.

**ЎзА.**

## Спорт

# ФУТБОЛ МАЙДОНИДА — АЁЛЛАР

**3 август куни футбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бу йилги мамлакат чемпионатига старт берилади. Унда "Bekobod women" профессионал футбол клуби ҳам қатнашади. Шерали Бобоқулов мураббийлигидаги қизлар чемпионатда фақат олтин медалларни қўлга киритиш учун майдонга тушишга келишиб олишди.**

Жамоанинг мавсумга тайёргарлиги жиддий. Ангрен ва Чорвоқда жойлашган ўқув-йиғин базаларидаги узоқ муддатли ва кўп соатли машғулотлар ортда қолди. Ҳозир қизлар Ўзбекистон Футбол федерациясига қарашли "Futbol-MED" ҳиссадорлик жамиятида тиббий кўрикдан ўтишмоқда.

– Фақат соғлом футболчигина яхши натижа кўрсата олади, – дейди бош шифокор Муаззам Мелиева. Илгарига қараганда ҳозирги футболда босим ва тезлик анча юқори даражага чиққани ҳеч кимга сир эмас. Тиббиёт ходимларининг вазифаси ўйинчилар соғлиғи ёмонлашишига йўл қўймаслик, улар организмида яширинган касалликларни вақтида аниқлаш. Шундай вақтлар бўладики, хасталик ҳеч қандай белгиларсиз кечади, бу ҳақда футболчининг ўзи ҳам бехабар бўлиши мумкин. Лекин машғулотлар пайтида у ўзини билдиради. Шу сабабли замонавий тиббий ускуналар ёрдамида биргина қонни кўп йўналишлар бўйича текширамиз. Машғулот ва дам олиш вақтида юракнинг ишлаши, нафас олиш йўллари ва ички аъзолар ҳам назоратимизда.



Спорт тиббиёти доимий ривожланишда. Спортчиларнинг соғлиғини бир маромда ушлаб туриш учун турли услуб ва воситалар бўйича изланишлар қилинмоқда. Ҳар бир футболчи ўз тиббий паспортига эга. Паспорт вазифасини ўтаётган қалингина дафтар 15 йил давомида юритилар экан. Унда ўйинчи соғлиғининг тарихи ҳақида, яъни шамоллашидан тортиб, олган жароҳатларигача қайд этиб борилади. Агар футболчи жамоадан жамоага ўтадиган бўлса, паспорти ҳам унинг кетидан изма-из боради.

– Бу йилги республика чемпионати янгича тартибда ўтказилади, – дейди "Bekobod women" профессионал футбол клуби бош мураббийи Шерали Бобоқулов. – Унга кўра, ўйинлар ҳам ўз майдонида, ҳам меҳмонда ўтказилади. Аёллар футболи олий лигасида ҳозирча Тошкент вилоятидан фақат биргина бизнинг жамоа бор. Бу эса, катта маъсулият юклайди. Жамоамизда иқтидорли қизлар йиғилган. Ўғилой Илашева U-16 Ўзбекистон термасига кирган. Бундан кейин ҳам ишқибозларимизни чиройли ўйинлару юқори натижалар билан хурсанд қилаверамиз.

Эслатиб ўтамиз, жамоамиз чемпионат мавсумида биринчи ўйинини 5 август куни ўз уйида "Динамо-Самарқанд" клубига қарши ўтказади. Уларга омад тилаб қоламиз. Биринчи ўйин доим муҳим бўлган.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**СУРАТДА:** жамоамиз бош мураббийи ўзи тарбиялаётган қизлар билан суҳбатда.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## Bolalik bog`i

**BIZ MUSTAQIL O`ZBEKISTONMIZ!**

*Havas qilsin butun yer yuzi,*
*Biz mustaqil O`zbekistonmiz.*
*Muqaddasdir Vatanning tuzi,*
*Biz mustaqil O`zbekistonmiz.*

*Qutlug` yoshing bizga bir dastak,*
*Porlab turar baxtli kelajak.*
*Temuriydan olamiz o`rnak,*
*Biz mustaqil O`zbekistonmiz.*

*Intilamiz kelajak sari,*
*Jahon emas bizdan ilgari.*
*Yurtboshimning eng zo`r so`zlari,*
*Biz mustaqil O`zbekistonmiz!*

***Ahmadjon MATKARIMOV.***

*Ҳикоя*

# ФАРИШТАЛИ АЯ



Ҳурматой аяни яхши танийман. У кўпдан бери ёлғиз яшайди. Аядан тез-тез хабар олиб, уй юмушларида кўмаклашиб тураман.

Бир куни аядан хабар олгани у яшайдиган ҳовлига кириб бордим. Ая супачада хаёлга чўмиб ўтирарди.

– Ассалому алайкум ая.

– Ваалайкум ассалом, чироғим, келдингми?

Ая саломимга алик оларкан, мени кўриб чеҳраси ёришди.

– Келдим ая, келдим.

Унга кўришгани елкамни тутдим.

Ҳурматой аянинг кенжа фарзанди Аҳмаджон билан бир синфда ўқидик. У синфимизнинг энг аълочиси эди. Ўқитувчиларимиз уни ҳар доим бизга ўрнак қилиб мақтарди. Мактабни битиргач журналист бўлман деб олийгоҳга ҳужжат топширди. Аммо, омади келмади. Ўқишга киролмай қишлоққа қайтди. Кейин эса хизматга кетди. Унинг чекига Афғонистон битилган экан. У олти ойлик ҳарбий тайёргарликдан сўнг Қандаҳорда хизматни давом эттирди.

Аҳмаджон жанг вақтида оғир яраланди. Сафдошлари уни ҳушсиз ҳолда ўқ ёмғирлари остидан олиб чиқишди. У узоқ вақт шифохонада даволаниб чиққач қишлоққа қайтди. Аммо соғлиги яхши эмасди. Кундан-кунга сўлиб борарди. Ота-онаси елиб-югурди. Лекин нажот топилмади. Ҳурматой ая фарзанд доғида дардманд бўлиб қолди. Сочларига барвақт оқ тушди. Бу орада тўнғич ўғил Раҳматжон ҳам тузалмас касаллик сабаб вафот этди. Икки фарзандидан айрилган Маҳмуджон ака ҳам чўкиб қолди. Йил ўтиб у ҳам омонатини топширди. Ҳувиллаган ҳовлида Ҳурматой ая ёлғизланиб қолди. Тағинам унинг муштдек елкаси шунча кўргиликларни кўтаришга бардош берди. Ҳаётда яшаш учун ўзида куч топди. Дунёда яхшилар ҳам кўп экан. Аяни йўқлаб, иссиқ-совуғидан хабар олиб туришади. Бундан аянинг қувончи чексиз. Яхшиларни алқаб дуо қилади. Қишлоқ болакайлари аянинг ўз фарзанди, набираларидек бўлиб қолган. Ая ҳам уларни яхши кўради. Эркалаб ширинликлар улашади.

– Ҳа, болам, тинчликми? Хаёлга чўмиб қолдинг?

Аянинг синиққан овози хаёлларимни тўзитиб юборди.

– Тинчлик ая, тинчлик. Шундай ўзим...

– Ҳа, омон булгур. Сени борингга шукр. Ўзи боядан бери келишингни пойлаб кўзларим нигорон ўтиргандим. Бир маслаҳатли гап бор. Шунга...

– Нима гап ая, тинчликми? Негадир юз-кўзингиз...

– Хавотир олма, болам. Ҳаммаси жойида. Шу десанг, кўпдан бери рўзғордан орттириб нафақа пулимни йиғиб юргандим. Қарасам, бир тўйни ўтказишга етади-ёв. Яна хабаринг бор, икки ўғлимни уйлантираман деб сандиққа бир дунё сарпо йиғиб қўйгандим. Аммо, тақдир экан, келин олиш насиб этмади.

Ҳурматой аянинг шу тобда кўзлари намланди. Бевақт оламдан ўтган фарзандларини эслади, чоғи. Эски жароҳати тирналди. Муштдек елкаси силкиниб-силкиниб қўйди. Аяга далда беришга чоғландим.

– Биламан ая, биламан. Бошқалар билмаса ҳам мен яхши биламан. Қандай азамат икки ўғлингиз бор эди. Уларнинг охирати обод бўлган бўлсин. Жуда ёш... Ҳа-ҳа, жуда ёш кетишди.

– Нимасини айтасан болам. Мана шу кенг дунёга шунча одам сиғсаю, менинг болаларим сиғмади-я. Бу кунларни кўргунча шу кўзларим сўқир бўлса бўлмасмиди?! Эй Яратган эгам, ўғлонларим ўрнига менгинани жонини олсанг рози эдим.

Ҳурматой ая кўзёшларини артди. Сўнг қизарган кўзларини бир нуқтага қадади. Сукунатни яна ўзим буздим.

– Узр ая, ҳалиги гапимиз узилиб қолди.

– Болам, сен билан маслаҳатлашиб бир хайрли иш қилсак. Девордош қўшним Санобархонни сен ҳам яхши танирдинг. У нафақат девордош қўшним, балки энг яқин дугонам эди. Биласан, аввал турмуш ўртоғи, сўнг ўзи оғир касалликдан вафот этишди. Икки қизни узатишдию аммо ёлғиз ўғли Фарҳоджоннинг тўйини кўришолмади. Ҳозир бола бечора менга ўхшаб ёлғизланиб қолган. У тенги йигитларнинг олди уйланиб фарзандлик бўлишди. Шунга Фарҳоджон боламни тўйини ўтказиб берсам девдим. Ҳов анави ўртадаги қийшиқ деворни бузиб ташласак битта ҳовли-жой бўлади. Кейин қарабсанки, кенг ҳовлида данғиллама тўй қиламиз. Мен Фарҳоджонга онаси ўрнида она бўлардим. У эса ўғил, келин эса қизим бўларди. Ҳа, нима дединг ўғлим?

Ая шундай дея менга илтижоли боқди.

– Буни жуда яхши ўйлабсиз. Фарҳоджон ажойиб йигит. Ақлли, уддабурон, тарбияси зўр. Аммо унинг ўзи нима деркин? Рози бўлармикан?

Ҳурматой ая бироз ер чизиб чайнала бошлаганимни сезиб, гапни яна ўзи илиб кетди.

– Ҳа, шундай дегин. Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин. Ишни аллақачон пишитиб қўйганман. У рози.

Ҳурматой аянинг чеҳраси ёришди. Лабларига табассум инди. Мамнун эканлиги шундоққина юз-кўзларидан сезилиб турарди. Бундан кайфиятим кўтарилди. Ҳурматой аяга бўлган меҳрим янада ортди.

– Ая, сизга қойилман. Сиз жаннати аёл, фариштали ая экансиз. Илоҳим дунё тургунча туринг, ая...

– Раҳмат болам, раҳмат. Сен ҳам дунё тургунча тургин. Илоҳим ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин.

Ҳурматой ая шундай дея дуо қилди. Уйга ҳурсанд кайфиятда қайтдим..

Орадан бир ойлар чамаси ўтиб Ҳурматой ая ҳовлисида ихчамгина тўй бўлди. Ўша дамда аянинг қувончини кўрганингизда эди. Ҳозир фариштали ая бир этак набиралари қуршовида ширингина ҳаёт кечирмоқда.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## Огоҳлик

# ЭЪТИҚОДГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилаётган тадбирлардан бири яна ёшлар тарбиясига, хотин-қизлар хулқи, маънавий оламидаги кемтикларга, диний-экстремистик оқимларнинг зарарли, нохуш оқибатларига бағишланди.**

Янгийўл тумани ҳокимлиги мажлислар зали барча жамоат ташкилотлари фаоллари: тиббиёт, халқ таълими бўлими, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотларидан келганлар билан лиқ тўла. Йиғилишни олиб бораётган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Замира Алимова дастлаб "Тошкент ҳақиқати" газетаси 8 июнь сонида "Жиноятга жазо муқаррар" рукни билан чоп этилган "Эътиқодга хиёнат" мақоласини ўқиб берди. Янгийўлликларни хижолатга қўйган, шунингдек, вилоят ИИБ терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи, полковник Саидкарим Нишонбоев таъкидлаганидек, барчани огоҳликка чорлаган воқеа тафсилоти нафақат Янгийўл тумани, балки бутун вилоят аҳли учун ҳам сабоқ бўлиши керак. Чунки, "...атрофига ёш-ёш аёлларни тўплаб, ноқонуний диний йиғилишлар ўтказиб келган"... "шаҳидлик" ва турмуш ўртоқларини бева аёлларга уйлантириш суннат"лигини уқтиришга ҳаракат қилган, диний экстремистик оқимга аъзо бўлишга даъват этган" аёллар аввало ўз оиласи, фарзандлари, қавму қариндошларига, қолаверса, жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётган, қисқаси ўз оёғига ўзи болта ураётганлигини билиши, англаб етиши зарур.

– "Эътиқодга хиёнат"да келтирилган воқеа тафсилотидан яхши хабардормиз, – деди ўз сўзида Саидкарим Нишонбоев. – Зеро, вазифамиз шуни тақозо этади. Энди, мақолага келсак, ўз уйи, маҳалласи, Ватани тақдири учун бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро учун муҳим аҳамиятга эгалиги учун ҳам уни муҳокамага қўйганмиз. Ахир, кундан-кунга ривожланиб, нуфузи ортиб бораётган Ўзбекистонимизнинг дўсти ҳам, душманлари ҳам кўп. Ниҳоятда хушёр бўлмасак, ёмон сўзу, ёмон кўзлар қутқусидан омон қолиш осон бўлмайди. Диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолаётган ватандошларимизнинг аянчли тақдири барчага сабоқ бўлиши керак. Яқиндагина туманнинг "Эски қовунчи", "Файзиобод" маҳаллаларида кузатилган нохуш воқеалар сиз каби фаолларнинг халқ ичига чуқурроқ кириши, унинг руҳияти, аҳволидан хабардор бўлиши, тўғри йўлга бошлаши зарурлигини кўрсатмоқда. Айни пайтда вилоятда жиноятчи аёллар, диний-экстремистик гуруҳ аъзолари сони камайиш ўрнига ортганлиги ачинарли ҳол.

Аёлларимизни эътиқоди, иродаси суст деб айтиш нотўғри. Лекин, онда-сонда бўлса ҳам ўз йўлидан тойиб, ўзгаларни ҳам botқоққа судраётган аёлларни ким деб аташ мумкин?!

Улар "жиҳод", "ҳижрат" деган сўзлар маъносини ғараз ниятларда нотўғри талқин қилувчилар йўриғига нега осонгина берилишяпти? Ахир муқаддас китобларда "жиҳод" сўзи – босқинчиларга қарши курашиш маъносида берилган, асло, ўз ватанига хоинлик қилиш дегани эмас! "Ҳижрат" дея, нолойиқ либосларга бурканиб, оиласи, эри, бола-чақасини ташлаб кетган тумандошингиз Насиба Устабобоеванинг аянчли қисмати бошқаларга сабоқ бўлиши керак. Наҳотки, борган жойида аёллик шаъни topталиши, қўлдан-қўлга ўтиб юришини билмайди...

Айтилган сўзларнинг исботи сифатида "Изтироб", "Йўл бошида адашганлар" номли видеофильмлар намойиш этилди.

Йиғилиш қатнашчилари, дарҳақиқат, айрим ҳолларда ўз эътиборсизликлари туфайли йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга астойдил бел боғладилар.

– Бугунги видеолавҳалар, фикр-мулоҳазалар бизни чуқур таажжубга солди, – деди "Мезон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Паридахон Хожиакбарова. – "Эски қовунчи" маҳалласидаги воқеалардан сабоқ чиқариб, ўз атрофимизда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, туманимиз шаънини ҳимоя қилишимиз керак. Агар аёлларимиз маънавиятли, маданиятли бўлолмас экан, фарзандлар тарбиясини кимдан талаб қилиш мумкин? Аввало, бандлик масаласи биринчи ўринда туриши керак.

Тадбир якунида музокарага чиққан барча фаолларнинг талаб ва таклифлари ўрганиб чиқилиб, қатъий режа асосида иш олиб боришга келишиб олинди. Тумандаги "Эски қовунчи" жоме масжиди имомхатиби Баҳодир қори Мадумаров эса диний-экстремистик оқимларнинг ғаразли ниятлари ҳеч қачон амалга ошмаслигини, битта Янгийўл туманининг ўзида 22 та масжид борлиги диний бағрикенгликнинг бир кўриниши эканлигини таъкидлади.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Рассом хандаси




*Ҳар кимнинг ўз тирикчилиги бор.*


**ЭЪЛОНЛАР**

Утерянные лицензионные карточки АТ № 0023816 и АТ № 0023817, выданные Узбекским агентством автомобильного и речного транспорта на СП ООО "SAMO KAPITAL TRANS" Сергелийского района, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Утерянный диплом № 594, выданный в 21 июня 2004 году Ташкентским высшем военно-техническим училищем (ТВВТУ) на имя Нурмадиева Отабека Улугбековича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Оққўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 2007 йил 25 октябрда 894 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "GO'ZAL-ISHONCH SAVDO" (ИНН 300598695) хусусий фирмаси ихтиёрий **ТУГАТИЛАДИ** (асос: 2013 йил 28 июндаги 1-сонли қарор).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Оққўрғон шаҳри, Навоий кўчаси манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (+99890) 917-20-28.

ЧФ "BUNYODKOR" (ИНН 203096618) г. Алмалыка преобразуется в ООО "BUNYODKOR".

Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Алмалык, ул. Туркистон, д. 51 или по тел.: (+99890) 909-04-47, 325-16-09.

"FAVORITE BUSINESS SERVICE" МЧЖнинг устав жамғармаси 30 000 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный диплом (ko'chirma) ХН № 029-12, выданный в 2012 году Университетом мировой экономики и дипломатии на имя Икрамова Азизжона Шавкатовича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ЧП "DILXUSH SHIROQ" (ИНН 300657993, ОКПО 22168875), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района г. Ташкента за реестровым № 001518-06 от 26.12.2007г., адрес: ул. Мохидил, дом 94-А, сообщает о своей реорганизации путем преобразования в ООО "DILXUSH SHIROQ". ООО "DILXUSH SHIROQ" является правопреемником по всем правам и обязанностям ЧП "DILXUSH SHIROQ".

Претензии принимаются в течение трех месяцев со дня опубликования объявления по тел.: (99871) 215-83-10.


Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси ва касаба уюшмаси Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежи директори Ўткирбек Норалиевга падари бузруквори **ХАЙТМАТ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**

Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**

Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**

Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7676. Адади 7 758. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.